



141100, Нурабад шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2-уй,
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2016 йил «18» июль

№ 534-қ

**Ер участкаси ажратиш ва
қурилишга рухсат бериш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 25 майдаги №146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида «Қишлоққурилишлойиха» МЧЖ бош лойиха-қидирув институтининг 2016 йил 14 июндаги №830/07 сонли келишув хати, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 7 июлдаги №1015-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад тумани Олға маҳалласида яшовчи фуқаро Очилов Бектош томонидан Нурабад тумани Олға маҳалласи ҳудудидан савдо мажмуасини қуриш учун 1,02 гектар ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 15 июндаги далолатномаси ва тўпланган ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад тумани Олға маҳалласида яшовчи фуқаро Очилов Бектошга Нурабад тумани Олға маҳалласи ҳудудидан савдо мажмуаси қуриш учун 1,02 гектар ер майдони ажратилсин ҳамда ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 15 июлдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Очилов Бектошга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қароридан кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугатиш билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га Очилов Бектош томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Очилов Бектош томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов